





ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ИНСОНПАРВАРЛИК, ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК – МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

ИНСОНПАРВАРИК, ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРИК – МИЛЛИЙ ГОЯМИЗНИНГ ПОЙДЕВОРИДИР

Ушбекистон Республикаси Президентининг, Республика Мақолатининг
ва Мақорат вазирлиги Шавкат Мирзиёевнинг маънавий-
маданий инсан парварлик, эзгулик ва бунёдкорлик, бу
барода ёзилган ва жамъан тўлиқ тўлдирилган ҳажвирини
қўлтирилган эди ва маънавий бунёдкорликни ўқувчилар
вақтинчадан ўқуруди

УЎК 323(575.1)
КБК 66.3(5Ўзб)

М 53 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.
Инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик – миллий ғоямиз-
нинг пойдеворидир [Магн] :
Тошкент: «ТАСВИР» нашриёт уйи, 2021. – 36 б.



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Шавкат Мирзиёевнинг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириши, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириши масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг бугунги йиғилишида жуда муҳим масалани – мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга оид долзарб вазифаларни атрофлича муҳокама қилишимиз зарур.

Мана шу йиғилиш асосида Кенгашимизнинг қарорини қабул қилиб, чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашимиз керак.

Ҳаммангиз яхши тушунасиз, **агар жамият ҳаётининг танаши иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи – маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ана шу иккита мустаҳкам устунга, яъни, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиётга ҳамда аждоқларимизнинг бой мероси, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз.**

Бугунги кунда биз мамлакатимизда инсон эркин ва фаровон яшайдиган жамият қуриш учун қатъият билан ҳаракат қилмоқдамиз. Қандай қийинчилик ва синовларга дуч келмайлик, шу мақсадда бошлаган барча ислоҳотларимизни, қабул қилган дастурларимизни изчил давом эттирмоқдамиз.

Мана, янги 2021 йилни катта ният ва режалар билан бошладик. Яқинда Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада, Ўзбекистон ёшларининг биринчи форуми ҳамда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида

маънавий-маърифий соҳадаги муҳим ва долзарб вазифаларни, устувор йўналишларни белгилаб олдик.

Тан олишимиз керак, жамиятимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқлари қатори маънавий-маърифий ишларимизда ҳам ҳали ечимини кутиб турган, ўзгаришлар шамоли кириб бормаган масалалар оз эмас. Янги ҳаёт, янги жамият қуришга қаратилган ислоҳотлар жараёнида бу ишларимизнинг назарий асоси бўлган миллий ғояни ривожлантириш, айниқса, ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон тарихига назар солсак, ҳар бир халқ, аввало, ўз миллий ғояси асосида бирлашиб, тараққий этгани, мураккаб синовлардан ўтиб келаётганига амин бўламиз.

Хабарингиз бор, яқинда Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ижтимоий-гуманитар соҳадаги таниқли олимлар, етакчи экспертлар, фаол зиёлилар иштирокида янги Миллий ғоя концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилиб, жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Унда **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган бош ғоя назарий асос қилиб олинди ва бу борадаги энг муҳим вазифалар белгиланди.

“Миллий юксалиш” деганда, биз мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришни, жонажон диёримизда ягона оила бўлиб яшаётган, ўз таркибида 130 дан ортиқ миллат ва элатларни бирлаштирган бағрикенг халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқариб, маънавий дунёсини янада бойитишни тасаввур қиламиз.

Бўлиб ўтган муҳокамаларда билдирилган таклифлар ҳамда бугунги йиғилишда баён этиладиган фикр-мулоҳаза-

ларни инобатга олиб, мазкур концепция ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни тасдиқлашимиз лозим.

Шу муносабат билан Республика Маънавият ва маърифат маркази тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга доир дастур ишлаб чиқиши ва уни амалга ошириши керак.

Афсуски, ҳали орамизда миллий ғоя ва маънавиятнинг моҳиятини тўлиқ англаб етмаган, “маънавият ўзи керакми-йўқми”?, деб юрганлар ҳам бор. Миллий ғоя деганда, эски совет мафкурасини ҳаёлига келтириб, “лабига учуқ тошадиганлар” ҳам йўқ эмас.

Агар мафкура эзгулик ва инсонпарварлик ғояларига, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашга, одамнинг кадр-қимматини улуғлашга хизмат қилса, нима учун ундан кўрқишимиз керак?

Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз.

Шу муносабат билан таъкидлаб айтмоқчиман: **биз барпо этаётган янги Ўзбекистоннинг миллий ғояси инсонпарварлик, эзгулик ва бунёдкорлик ғояси бўлади.**

Бу юксак ғоялар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва кадриятларига асосланган бўлиб, бугунги кунда ҳам бизни олижаноб ишларга руҳлантириб келмоқда.

Мана, бир йилдан ошди, бутун дунё қатори биз ҳам коронавирус пандемиясини бошимиздан кечиряпмиз. Худога шукур, халқимиз бу оғир синовлардан ёруғ юз билан

ўтмоқда. Шундай машаққатли, қийин кунларда эл-юртимиз ўзлигини йўқотмади. Аксинча, меҳр-оқибат, саховат, ҳам-жиҳатлик, бағрикенглик, сабр-тоқатли бўлиш, шукроналик каби бошқа халқларда кам учрайдиган ноёб фазилатларини яққол намоён этди.

Тадбиркорларимиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида қандай савобли ишларни амалга оширганини барчамиз кўрдик.

Ўзингиз айтинг, халқимиз маънавиятининг асосини ташкил этадиган ана шундай ноёб фазилатлар, азалий қадриятлар бўлмаса, биз бу мураккаб вазиятдан эсон-омон, катта талафотларсиз чиқа олармидик? Йўқ, албатта.

Ҳаммамизга аёнки, бугунги кунда дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда. Жаҳонда манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари башарият учун беқиёс янги имкониятлар билан бирга, кутилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора кучаймоқда. Фақат ўзини ўйлаш, ҳаётга, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти сингари иллатлар турли йўллар билан аҳоли, айниқса, ҳали “оқ-қора”ни фарқлай олмайдиган ёшлар онгига сингдирилмоқда. Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибержиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи тобора ортиб бормоқда.

Дунёдаги айрим сиёсий марказлар томонидан баъзи худудларда сунъий равишда беқарор вазият юзага келтирил-

моқда, норозилик кайфиятлари авж олдирилмоқда. Айниқса, бугун тобора чуқурлашиб бораётган глобал иқтисодий инқироз турли фитналар учун янада қулай шароит яратишини унутмаслигимиз лозим.

Мана шундай ўта таҳликали шароитда ҳаммамиз сезгир ва огоҳ бўлишимиз, аввало, халқимизнинг тинчлигини, миллий манфаатларимизни ўйлаб яшашимиз керак.

Неча юз йиллар давомида шаклланган асл инсоний қадриятларимиз ўрнини бузғунчи ғоялар эгаллаб олишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Бугунги кунда аксарият одамлар, авваламбор, раҳбарлар, давлат ходимларининг билимсизлиги, савиясининг пастлиги, замондан орқада қолаётгани, жаҳид боболаримиз “жаҳолат” деб атаган иллат ислоҳотлар йўлидаги жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Биз таълим тизимига, ўқитувчи ва мураббийлар нуфузини оширишга катта аҳамият беряпмиз. Чунки жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак. Лекин Ватан, халқ тақдири ўртада турганда, керак бўлса, қонун ҳам ўз кучини кўрсатиши шарт.

Албатта, тегишли идоралар бу ишни қилади, қиялпти ҳам. Лекин аксарият одамларнинг билим ва маданий савияси ўзгариши қийин бўляпти.

Савол туғилади: мана, иқтисодий камбағалликни қисқартириш бўйича катта ишларни бошладик. Лекин маънавий қашшоқликни қандай қисқартирамиз? Фикр қарамлигидан қандай қутуламиз?

Ислохотларимиз учун зарур бўлган маблағ ва инвестицияларни қийинчилик билан бўлсаям топяпмиз, аммо маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш учун руҳий ресурсни қаердан топамиз?

Бу саволлар ҳар биримизни ўйлантириши керак.

Бугунги шиддатли, ўта мураккаб замон шуни кўрсатмоқдаки, бу борада фақат таълим-тарбия тизимининг ўзи мавжуд маънавий таҳдидларга қарши туrolмайди. Бу масалага бутун жамиятнинг куч ва имкониятларини сафарбар этмас эканмиз, кутилган натижага эришолмаймиз. Чунки бугунги кунда болаларимизни ота-она, боғча, мактаб ёки институт эмас, аксарият ҳолларда қўлидаги телефон “тарбияламоқда”. Афсуски, ана шу кичкинагина телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафқурани тарғиб этадиган катта қуролга, зўравонлик, ёвузлик “вируси”ни тарқатадиган манбага айланмоқда, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Миллий маънавиятимизга мутлақо бегона бўлган зарарли ғоялар, тушунча ва қарашлар чегарани бузмасдан, билдирмасдан, таъбир жоиз бўлса, “чақирилмаган меҳмон” бўлиб хонадонимизга, жамиятимизга, энг ёмони, мурғак болаларимизнинг покиза қалби ва юрагига кириб келмоқда.

Буларнинг барчаси биз учун огоҳлик қўнғироғи бўлиб янграши зарур.

Биз – гурури баланд халқмиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, катта бойлик. Аждодларимиз асрлар давомида асраб-авайлаб келган бу бойликни йўқотиб қўйсақ, келгуси авлодлар бизни асло кечир-

майди. Аксинча – бу фазилатни халқимизни, миллатимизни бирлаштирадиган энг кучли тамойилга айлантиришимиз керак.

Негаки, **гурури баланд халқнинг кадр-қиммати ҳам баланд, маънавияти, иродаси кучли бўлади.** Бундай халқ билан ҳар қандай буюк мақсадларга етиш мумкин.

Айнан ана шундай фазилатларимизга таяниб, **биз бошқаларга эргашувчи эмас, аксинча, доимо эргаштирувчи халқ бўлиб келганмиз.** Билим, маърифат, маданият билан бошқаларга ўрнак бўлганмиз. Бу – бизнинг қон-қонимизга, зоту зурриётимизга сингиб кетган, миллий қадриятимизга айланган фазилат.

Шундай экан, четда нима ялтироқ бўлиб кўринса, ўшанинг орқасидан чопиш, хорижники экан, деб унга қуллуқ қилиш, бошқаларга кўр-кўрона эргашиш бизга ярашмайди. Айниқса, маънавият соҳасида. Афсуски, кейинги пайтда бу борада четнинг таъсири, таъбир жоиз бўлса, “импорт”нинг ҳажми ошиб кетмоқда.

“**Дарахтнинг бўшини қурт ейди**”, деган мақол бежиз айтилмаган. Афсуски, кейинги пайтда маънавий ҳаётимизда бўшашиш, бўшлиқ сезилмоқда. Маънавий иммунитети заиф бўлган баъзи ёшлар юриш-туришда ҳам, муомала-муносабатда ҳам бошқаларга кўр-кўрона эргашмоқда.

Миллий ўзлигимизни, буюк аждодларимизни танимаслик, илм ва ироданинг етарли эмаслиги бунга сабаб бўлмоқда, десак, тўғри бўлади.

Айниқса, ёшлар тарбиясида жамоатчиликнинг роли сусайиб бораётгани барчамизни ташвишга солиши лозим.

Илгари “**Бир болага етти маҳалла ота-она**”, деган мақолга амал қилиб яшардик. Ўғил-қизларимизнинг ахлоқ-одоби, ўқиши учун нафақат уларнинг ота-оналари, аввало, маҳалла аҳли, кай-вони кексалар, зиёлилар ўзини масъул ва жавобгар деб биларди. Шунинг учун ҳам маҳаллаларимизда уруш-жанжал, безорилик, ичкиликбозлик қилиб юрадиган ёшлар, оилавий ажримлар кам бўларди. Кекса авлод вакиллари ёшларни меҳнатга, ўз уйини, кўчалар, гузар ва майдонларни озода тутишга ўргатарди.

Энди айрим одамлар ҳовлисини боласига эмас, мардикорга тозалатади. Болага битта китоб олиб беришга пулини қизғанади-ю, серхаражат тўй ва маъракалар ўтказишга топган-тутганини бир кунда сарфлаб юборади.

Кўп қаватли уйларда қўшни қўшнисини танймайди. Бу ҳолда болалар меҳнатни, тежамкорликни, меъёрни, одоб ва маданиятни, меҳр-оқибатни кимдан ўрганади?

Маънавиятимиз учун энг катта хавф – бу аксарият одамларимиздаги лоқайдлик ва бепарволик кучайиб бораётганида, десак, бу ҳам айни ҳақиқат бўлади.

Сиёсатшунослар ўртасида: “**Сен ухлаганингда, душман уйғоқ бўлади**”, деган гап бор.

Айниқса, ҳозирги замонда, бошқа халқлар катта-катта марралар сари интилаётган бир пайтда маънавий жиҳатдан ғафлатга ботиб, “ухлаб ётиш”га, лоқайд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Барча фожиа ва муаммолар, Ватанга, миллатга, келажакка хиёнат айнан лоқайдликдан бошланади.

Яна бир бор айтаман, дунёдаги қалтис вазият, сиёсий “ўйин”лар барчамизни сергакликка ундаши керак.

Маънавий-маърифий соҳада олдимизда турган энг муҳим вазифа шуки, жаҳонда кечаётган геосиёсий ва мафкуравий жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, улардан хулоса чиқарган ҳолда, йўлимизни тўғри танлашимиз зарур.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, коррупция, таъмагирлик, бюрократия нафақат иқтисодий, балки маънавий ҳаётда ҳам оёғимизга болга урмоқда. Бу иллатларга қарши кенг кўламли кураш бошладик. Лекин барчамиз бу хавфга қарши биргаликда курашмас эканмиз, жамоатчилик назоратини кучайтирмас эканмиз, бу муаммолардан халос бўлолмаймиз.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бундай таҳдидларга қарши курашда маънавий-маърифий ишларга, таълим-тарбия соҳасига жавобгар ташкилотларимиз қандай роль ўйнамоқда? Бизда умуман маънавий тарғибот методикаси, замонавий технологиялар борми? Бу масалалар билан кимдир илмий асосда шуғулланыптимиз?

Бу борада ҳурматли зиёлиларимиз, домла ва ўқитувчилар, маданият ва санъат вакиллари, маҳалла, ёшлар ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолларининг ўрни ва таъсири қандай? Маънавият ва маърифат кенгашининг ҳудудлардаги раҳбарлари бўлган ҳокимлар бу масалалар ҳақида бош қотирыптимиз?

Ана шу саволларга жавоб топиш учун бу йилдан бошлаб “Энг маънавиятли туман”, “Энг маънавиятли тармоқ” танловларини ташкил этиш, ушбу танловлар якунларига кўра, маънавий-маърифий йўналишларда намунали иш олиб бораётган туманлар, вазирлик ва идораларни муносиб тақдирлаш тизимини йўлга қўйишимиз лозим.

Ҳозирги вақтда ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилиб, уни яхшилаш, такомиллаштириш бўйича самарали механизмларни яратиш ва ишга солишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Жамиятимизда маънавий-маърифий ишлар шундай асосда йўлга қўйилмагани учун ҳам улар кутилган натижани бермаяпти.

Ҳеч қачон унутмаслигимиз керак: маънавият – бу, аввало, инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлардир. Бир сўз билан айтганда, маънавият – жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади.

Давлатимизнинг маънавий-маърифий соҳадаги сиёсатини амалга оширишда бош мувофиқлаштирувчи идора бўлган Республика Маънавият ва маърифат маркази ишини шу нуқтаи назардан танқидий ўрганиб чиқиб, унинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш зарур.

Марказда маънавият фидойилари билан бир қаторда, соҳа ривожига қаратилган илмий тадқиқотлар, таъсирчан тарғибот технологияларини ишлаб чиқиш салоҳиятига эга бўлган, замонавий руҳда, кенг фикрлайдиган олим ва мутахассислар фаолият кўрсатиши керак. Шу мақсадда Марказнинг “Маънавият тарғиботчиси” ўқув муассасаси негизида Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтини ташкил этишни таклиф қиламан.

Умуман, бутунги мураккаб ва таҳликали ҳаёт олдимизга қўяётган вазифаларни ҳисобга оладиган бўлсак, қуйидаги долзарб масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Биринчидан, мамлакатимизда маънавий тарбия тизимининг янги платформаси, стратегиясини яратиб, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни сифат ва мазмун жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтаришимиз керак.

Албатта, юртимизда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида сўнгги йилларда маънавий-маърифий соҳани ривожлантириш бўйича қатор қарорлар қабул қилинди ва муайян ишлар амалга оширилди.

Бу соҳанинг стратегик аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика маънавият ва маърифат кенгашига раислик қилиши белгилаб қўйилди.** Кенгашнинг ҳудудий бўлимларига раҳбарлик қилиш масъулияти эса ҳокимлар зиммасига юкланди. Бу ўзгариш маънавий-маърифий ишларни давлатимиз сиёсатида янада юксак ўринга кўтарди. Шунинг учун энди бу масала нафақат ҳокимларнинг, балки барча вазирлар, идора ва ташкилотлар, компаниялар, банклар раҳбарлари ҳамда тадбиркорларнинг ҳам энг муҳим вазифасига, кундалик ишига айланиши керак.

Мана, жойларда замонавий кластер тизимига ўтиш, фермерлик ва кооперацияни кучайтириш асосида ҳокимларни қишлоқ хўжалиги ишларидан аста-секин озод қиляпмиз. Энди улардан маънавий-маърифий соҳадаги ишларни ҳам қатъий талаб қилишга ҳаққимиз бор.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир фуқаро, ходимнинг кайфияти, давлатга, келажакка бўлган ишончини ифода этадиган маънавият соҳаси билан, аввало, биринчи раҳбарлар шахсан шуғулланмаса, улар бошқараётган ҳудуд ёки тармоқда жиддий ижобий ўзгариш бўлиши мумкинми? Йўқ, албатта.

Тасаввур қилайлик, боғимизда бир дарахтга қурт тушса ёки даламизда бугдойга занг тушса, дарров чорасини кўрамиз. Лекин маънавиятимизга “қурт тушса”, нима учун эътибор қилмаймиз? Ахир, бу “қурт” эртага давлатимиз, жамиятимиз пойдеворини заифлаштиради, оқибати оғир муаммоларни келтириб чиқаради.

Бир ҳақиқатни барча раҳбарлар билиши керак: фақат ҳисобот учун йиғилишлар ўтказиш вақти ўтди. Ҳар бир тадбирни аниқ натижа учун, тарбиявий, маънавий таъсирга эришиш учун ўтказиш лозим.

Бундан буён ҳудудий кенгашлар фаолиятини ана шу нуқтаи назардан таҳлил қилиб, Маънавият ва маърифат маркази мониторингни амалга оширадиган ва шахсан Президентга маълумот киритиб борадиган тизимни жорий этамиз.

Ўйлайманки, бундай янги тизим албатта ижобий натижа беради. Марказ томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳлар меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий ишлар ҳолатини ўрганиб, ҳар чорақда Маънавият ва маърифат кенгашига маълумот киритиб борадиган амалиётни йўлга қўйиш зарур.

Шундан сўнг ҳар бир ҳудуд ва тармоқда қайси масалалар кун тартибига қўйилиб, қандай таҳлил қилингани ва нечоғлик амалий натижага эришилгани яққол аён бўлади. Шунга қараб ҳудудий кенгашлар, тармоқлар ишига баҳо берамиз.

Маълумки, ҳозирги пайтда маънавият тарғиботи билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, Маънавият ва маърифат маркази, умуман, ўнлаб ташкилотлар шуғулланмоқда. Лекин, уларнинг фаолияти ягона тизимга бирлаштирилиб, аниқ мувофиқлаштирилмагани тўғрисида тарғибот ишида бир-бирини такрорлаш, одамларни қизиқтириш эмас, аксинча, зериктириш ҳолатлари кузатилмоқда. Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази бу йўналишда ҳам барча ҳудудий кенгашлар, вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориши лозим.

Бир сўз билан айтганда, Марказ маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириш, соҳани ривожлантириш бўйича бош муассаса вазифасини бажариши керак.

Бундан ташқари, Марказ ва унинг тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техник таъминотини кескин кучайтириш, уларнинг илмий тадқиқот ва тарғибот-ташвиқот йўналишларидаги фаолиятини қайта ташкил этиш, “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш лозим.

Бу борада Инновацион ривожланиш вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Марказ томонидан миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар йўналишида тақдим этиладиган грант лойиҳаларини молиялаштиришни йўлга қўйиши керак.

Ҳеч кимга сир эмас, маънавият тарғиботчиси бўлиш кишидан катта билим ва салоҳият, маҳорат ва тинимсиз ақлий меҳнатни талаб этади. Лекин, афсуски, биз кўп йиллар

маънавият ва маърифат соҳаси ходимларининг меҳнاتини муносиб рағбатлантиришга етарли эътибор қаратмадик. Энди ана шу муаммони ҳам ҳал этиш вақти келди. Бунинг учун жорий йилда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда унинг даврий нашрларида меҳнат қилаётган ходимларнинг ойлик маошларини ошириш масаласини кўриб чиқиш керак. Шунингдек, хусусийлаштиришга қўйилган “Маънавият” нашриётини Марказ тасарруфига ўтказиш ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш зарур.

Мамлакатимиздаги янгилик ва ислоҳотлардан, дунё микёсидаги ўзгаришлардан, уларнинг мазмун-моҳиятидан аҳолини вақтида, илмий ва малакали ёндашув асосида хабардор қилиб бориш мақсадида барча корхона ва ташкилотларда Марказ билан ҳамкорликда аниқ режа асосида мулоқот ва фикр алмашиш шаклида ўтказиладиган “Маърифат соати” тадбирларини мунтазам ва самарали ўтказишни йўлга қўйиш лозим.

“Маърифат соати”га кимлар жалб қилинади? Кимлар жойларга бориб маъруза ва учрашувлар ўтказиши? Уларни ким кутиб олади, қаерда, нечта жонли мулоқот бўлади? Маърузачилар учун зарур тарқатма материаллар, буклет, аудио ва видео материалларни ким тайёрлайди? Кўриб турганингиздек, бу соҳада майда масаланинг ўзи йўқ.

Вазирлар Маҳкамаси Республика Маънавият ва маърифат маркази ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ана шу масалаларнинг ечими бўйича аниқ ва пухта таклифларни ишлаб чиқиши зарур.

Иккинчидан, узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш лозим.

“Тарбияда танаффус бўлмади”, деган чуқур маъноли гапни кўп такрорлаймиз. Лекин, афсуски, маънавий-маърифий ишларни ташкил этишда ана шу қоидага амал қилинмаяпти. Бу борада боғча, мактаб, олий таълим, маҳалла тизимининг ҳар бири алоҳида иш олиб бораётгани, яъни, ўзаро ҳамкорлик ва уйғунликнинг йўқлиги ишимизнинг самарасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун маънавий-маърифий ишларнинг ягона тизимини яратиш, унда ҳар бир масъул идоранинг вазифаси ва биргаликда амалга оширадиган чора-тадбирларини аниқ белгилаб қўйиш зарур. Хусусан, мактабгача таълим ташкилотларида жажжи фарзандларимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш мақсадида Республика Маънавият ва маърифат маркази Мактабгача таълим вазирлиги билан биргаликда маънавий-тарбиявий ишларнинг самарали тизими ва методикасини яратиши керак. Айниқса, хусусий ва давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчаларга маънавий-маърифий ва услубий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Жойлардаги Маънавият ва маърифат кенгашлари бу масалага алоҳида эътибор қаратиши, шу мақсадда Кенгаш аъзоларини ҳар бир мактабгача таълим ташкилотига доимий бириктириб, масъулият доирасини белгилаб қўйиш ҳам яхши натижа беради, деб ўйлайман.

Хабарингиз бор, мамлакатимиздаги 10 мингдан ортиқ мактабга таниқли адиб ва журналистлар, маънавиятчилар ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи сифатида бириктирилди. Уларнинг мактабда маънавий муҳитни яхшилаш, ўқувчиларнинг адабиёт, маданият ва санъатга бўл-

ган қизиқишини ошириш, дунёқараши, онгу тафаккурини ривожлантириш орқали ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш учун масъулиятни ўз зиммасига олаётгани албатта барчамизни қувонтиради.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Халқ таълими вазирлиги ва Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда ана шу тарғиботчилар учун зарур методик қўлланмалар ишлаб чиқиб, уларнинг малакасини ошириш ва фаолиятини мувофиқлаштириб бориш чораларини кўрса, ўйлайманки, бу мазкур йўналишдаги яна бир амалий қадам бўларди.

Яна бир масала. Ўтказилган илмий-амалий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мактабларда 5-синфдан бошлаб ягона синф раҳбарини тайинлаш амалиёти йўлга қўйилса, бу болаларнинг маънавий ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлар экан. Ана шу ўқитувчи 11-синфга қадар болалар билан руҳан яқин бўлиб, уларнинг маънавий таянчи ва маслаҳатчисига айланиб, ота-онасидек қадрдон бўлиб қоларди. Ҳақиқатан ҳам, шундай. Шунинг учун бу омилни кенг қўллашимиз керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари ана шундай синф раҳбарларини маънавий-маърифий тарбияга оид методик қўлланма ва тавсиялар, фойдали нашрлар билан доимий равишда таъминлаб борса, бу ҳам миллий маънавиятимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу муносабат билан яна бир таклиф ҳақида Сизлар билан маслаҳатлашмоқчиман. Яъни, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорларининг маъ-

навий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари ўзларининг йиллик иш режасини Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари билан биргаликда тузса ва амалга оширса, бу борадаги ишларда илмийлик, амалий самарадорлик ошади, деб ўйлайман. Директор ўринбосарлари ўқув йили якунида ҳудудий кенгашларда ҳисобот берса, шунга қараб уларнинг иши баҳоланса, таълим-тарбияда маънавиятнинг ўрни янада кучайган бўларди.

Шунинг учун бундан буён олий ўқув юртларига ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорлар ҳам Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари билан келишган ҳолда тайинланадиган тартибни жорий этишимиз лозим. Бу масаланинг аҳамиятини ҳисобга олиб, таълим олаётган талабалар сони ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча олийгоҳлар ва уларнинг филиалларида мавжуд штат бирликлари доирасида ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор лавозимини жорий этиш керак, деб ҳисоблайман.

Яна бир муҳим масала. Маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳокимлар – ҳудудий кенгашлар раисларининг доимий эътибор марказида бўлиши шарт.

Маънавий тарғибот ишларини ҳар бир маҳаллада, таъбир жоиз бўлса, “маҳаллабай” усулида ташкил этмас эканмиз, бу борада аниқ натижа бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бунда ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, амалга оширадиган ишларимизни аниқ

белгилаб олишимиз ва жамоатчилик билан биргаликда иш олиб боришимиз керак.

Бу борада, айниқса, **“Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий”** тамойили асосида ҳар бир маҳаллага профессор-ўқитувчилар ва таниқли зиёлиларни жалб этиш, уларнинг бу ишга масъулият ва куюнчаклик билан ёндашишига эришиш муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Олий таълим муассасалари ректорлари жойлардаги ҳокимлар билан биргаликда бундай жонкуяр домлаларни муносиб рағбатлантириб бориш чораларини кўриши керак.

Биз “Нуроний” жамғармасининг Тошкент шаҳридаги тажрибаси асосида **“Ҳар бир нуроний – беш нафар ёшга мураббий”** тамойили бўйича мухтарам оқсоқолларимиз, кайвони онахонларимизни тарбияси оғир, маънавий кўмакка мухтож, уюлмаган, ишсиз ёшларга бириктириб қўйишга қаратилган ибратли ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз. Албатта, катта тажрибага эга бўлган нуронийларимиз ўзларининг ҳаётий ўғитлари билан ёшларимизга тўғри йўл кўрсатса, бунинг фойдаси катта бўлади. Ана шу ишларни амалга ошириш учун “Маънавий-ахлоқий тарбия дастури”ни ишлаб чиқиб, унда таълим тизими, маҳалла, нуроний, хотин-қизлар, ёшлар ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг вазифасини аниқ белгилаб қўйиш зарур.

Мана, бугун жойларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида янги-янги вазифаларни белгилаб оляпмиз. Бу борада асосий масъулият худудий кенгашларнинг зиммасига тушади. Лекин кенгашларнинг ижро

органи бўлган Марказнинг туман, шаҳар бўлимларидаги бир нафар мутахассис билан олдимизда турган вазифаларни бажариб ҳам, аниқ натижага эришиб ҳам бўлмайди. Шунинг учун 200 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган туманлардаги бўлимларга қўшимча равишда маҳаллий бюджетлар ҳисобидан таъминланадиган иккитадан, аҳолиси ундан кам бўлган ҳудудларда эса биттадан штат бирлиги ажратиш зарур. Ана шу ходимларнинг бири таълим муассасаларида, иккинчиси маҳаллаларда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш учун масъул бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан буён ҳудудий кенгашлар фаолияти рейтинг асосида баҳолаб борилиши ва ҳокимларнинг фаолиятига шунга қараб баҳо берилиши керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази, Давлат бошқаруви академияси, Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини баҳолаш бўйича индикаторларни ишлаб чиқиши лозим.

Сизларга маълумки, илгари жойларда маънавият масканлари бўларди. Ушбу даргоҳларда маънавий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган заллардан тортиб, кутубхона, мусиқа хонаси ва ихчам музейгача бор эди. Турли маънавий-маърифий ва бадиий кечалар, учрашувлар ўша масканларда ўтказиларди. Бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий камолотига хизмат қиладиган ана шундай марказларни барпо этишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Шунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари Қурилиш вазирли-

ги билан биргаликда ҳудудлар марказида намунавий лойиҳа асосида Маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш юзасидан барча зарур чораларни кўриши зарур. Бу масканлар жойларда халқимизга давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида барпо этилган бинолар каби кўркем, замонавий ва қулай бўлиши керак.

Хабарингиз бор, яқинда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Куролли Кучларимизни такомиллаштириш билан бирга, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтиришга оид зарур вазифаларни ҳам атрофлича муҳокама қилдик. Хусусан, ҳарбий соҳада давлат тилида иш юритишни кенгайтириш, Жасорат мактабини яратиш, “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари ўртасида танлов ва мусобақалар ўтказиш, ҳарбий округларда буюк саркардаларимизга бағишланган тематик синфлар ташкил этиш каби масалалар ҳақида фикрлашиб олдик. Республика Маънавият ва маърифат маркази Куролли Кучларимизда маънавий тарбияни такомиллаштириш бўйича ана шу йиғилишда қабул қилинган дастурлар ижросини назоратга олиши керак.

Навбатдаги муҳим масала шундан иборатки, Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” мажмуасини халқимиз, айниқса, ёшлар учун ҳарбий тарих ва аждодларимиз қаҳрамонлигини ўрганиш бўйича илмий марказга айлантириш зарур.

Биз ёшларимизни ҳақиқий ватанпарварлик, азму шижоат, мардлик ва жасорат руҳида тарбиялашда мухтарам зиёлиларимиз, фаол ва фидойи олимларимиз ҳамда ижодкорларимизнинг ёрдамига таянамиз. Айниқса, буюк саркарда бо-

боларимизнинг ҳаёти ва жанговар фаолияти, ҳарбий меросини ўрганиш ҳамда ёшларимиз ўртасида тарғиб этиш катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих институти, Мудофаа вазирлиги 2021 йилнинг учинчи чорагида **“Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолиятининг янги саҳифаларини ўрганиш”** мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ташкил этса, айти муддао бўларди.

Шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат маркази 2021 йилдан бошлаб, таниқли олим ва ижодкорларни жалб этган ҳолда, **“Буюк саркардаларимизнинг жасорати ва ҳарбий мероси”** туркумида тарихий-бадий рисоаларни тайёрлаб, нашр этишни йўлга қўйиши лозим.

Ўтган йили қатағон қурбонларининг меросини янада чуқур ўрганиш ва хотирасини абадийлаштириш бўйича муҳим қарор қабул қилиб, бу борада зарур чора-тадбирларни белгилаган эдик. Марказ бу йўналишда **“Жадидлар ва бошқа маърифатпарвар зиёлилар меросидан ёш авлод тарбиясида фойдаланиш”** мавзусида инновацион тадқиқотларни амалга ошириши керак.

Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига синдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг аҳамияти катта. Афсуски, ҳозирги пайтда бу фанлар ривожини замондан ортда қолмоқда. Хусусан, биз учун ниҳоятда долзарб бўлган тарих фани ҳам бундан мустасно эмас.

Тарихга оид илмий тадқиқот ишлари асосан баёнчилик, публицистик усулда олиб борилмоқда. Натижада олис ва

яқин ўтмишимиздаги кўпгина воқеаларнинг мазмун-моҳияти, уларни юзага келтирган омиллар ва тарихий қонуниятлар очилмасдан қолмоқда.

Бир ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз керак: **миллий тарихни халқимиз, аниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш керак.** Акс ҳолда унинг тарбиявий таъсири бўлмайди.

Биз ёшларимизни тарихдан сабоқ олиш, хулоса чиқаришга ўргатишимиз, уларни тарих илми, тарихий тафаккур билан қуроллантиришимиз зарур. Бунинг учун, аввало, Ўзбекистонда тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишимиз лозим.

Тарих институтини бу фанни ривожлантириш бўйича «таянч илмий муассаса» этиб белгилаш зарур. Фанлар академияси қошидаги “Энг янги тарих” маркази ходимларининг ойлик иш ҳақи миқдорини илмий-тадқиқот институти ходимлари маошига тенглаштириб, унинг фаолиятини кучайтириш керак. Шунингдек, таълим муассасаларида тарих фанини ўқитиш ва тарғиб этиш ишларини тубдан яхшилаш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур.

“Ўзбекистон тарихи” телеканали Ватанимизнинг шонли тарихи ва аجدодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссасини тўлақонли кўрсатиб берадиган, эл-юртимиз, айниқса, ёшларимиз севиб томоша қиладиган илмий-маърифий каналга айланиши керак. Бу борада ҳам мухтарам зиёлиларимиздан алоҳида фаолликни кутиб қоламиз.

Учинчидан, ўзбек тилининг давлат тили мақомини амалда кучайтириш, хорижда ва юртимизда уни ўрганиш бўйича замонавий технологияларни ишлаб чиқиш – долзарб вазифадир.

Биз ўтган йили биринчи марта Ўзбек тили байрамини юртимизда кенг нишонладик. Она тилимизни ривожлантириш бўйича янги режаларни белгилаб олдик. Қўшни Афғонистон ва бошқа давлатларда ушбу байрамга бағишланган катта анжуманлар ўтказилди. Энди бу ишларни изчил давом эттиришимиз, она тилимиз тарғиботи билан янада жиддий шуғулланишимиз лозим.

Шу мақсадда ҳар йили 21 октябрь – Ўзбек тили байрами арафасида **“Ўзбек тили ва адабиётини жаҳон миқёсида тарғиб этиш: натижа ва вазифалар”** мавзусида халқаро илмий-маърифий анжуман ўтказишни йўлга қўйишимиз керак.

Тўртинчидан, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида китобхонлик даражасини ошириш борасидаги ишларни кучайтиришимиз зарур.

Албатта, кейинги йилларда бешта муҳим ташаббус доирасида бу йўналишда кўп ишларни амалга оширдик. Лекин бугун уларни янги босқичга кўтаришни вазиятнинг ўзи талаб этмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, нашриёт ва босмахоналар китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларини сотишда қийинчиликларга дуч келаётганини таъкидлаш лозим. Ҳаммангиз биласиз, илгари **“Ўзкитобсавдо”** деган самарали ишлайдиган тизим бўларди. Бугун ана шу тажриба асосида китоб маҳсу-

лотларини улгуржи равишда сотадиган ва чакана савдо билан шуғулланадиган дўконларга уларни етказиб берадиган, самарали ишлайдиган тизим яратишимиз зарур.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу масалаларни мақбул тизим бўйича, давлат-хусусий шериклик шаклида бўлса ҳам ҳал этиш чораларини кўриши керак.

Бешинчидан, ёшларимизга замонавий таълим-тарбия билан биргалиқда, қон-қонимизга сингган муқаддас динимизнинг моҳиятини тўғри тушунтириб беришимиз, уларни эзгу ғоялар руҳида тарбиялаш ҳақида жиддий ўйлашимиз лозим.

Афсуски, бу масалага ўз вақтида жиддий эътибор бермаганимиз туфайли ёшлар ўртасида радикал оқимлар таъсирига тушиш ҳолатлари учраб турибди.

Дунёга бухорийлар, берунийлар, термизийлар, мотуридийлар, хоразмийлардек буюк аллома ва азиз-авлиёларни берган жонажон Ватанимиз ёшлари улуғ аждодларига муносиб бўлиб улғайиши учун барча шароитларни яратиб беришимиз зарур.

Дин ишлари бўйича кўмита, Ёшлар агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази, Халқаро ислом академияси, Ислом цивилизацияси маркази, Мусулмонлар идораси ва бошқа мутасадди ташкилотлар динимизнинг инсонпарварлик моҳияти, унинг эзгу ва маърифий тамойиллари ҳақида ёшларга, таъсирчан учрашувлар, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этиш орқали, мунтазам маълумот бериб бориш зарур.

Олтинчидан, биз мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш учун аввало унинг бешта муҳим усту-

ни ва ҳалқасини белгилаб олдик. Шу ҳалқанинг энг муҳим бўғини, ҳеч шубҳасиз, ижодкор зиёлиларимиз, хусусан, маънавият вакилларидир. Улар **“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари”** деган ҳаётбахш гояни амалга оширишда барчага, айниқса, ёшларга ўрناк бўлишлари зарур.

Мана, ёшларга кенг имкониятлар яратиб беряпмиз, катта-катта лавозимларни уларга ишониб топширяпмиз. Уларда билим бор, истеъдод бор, афсуски, айримлари миллий замин, миллий маънавиятимиздан узоқлашиб кетгани сезилиб қолмоқда. Улар ўзлари ўқиб келган хорижий давлатлардаги тажрибани тез ва шошилишч амалга оширмоқчи бўляпти. Аммо, афсуски, бундай натижага ўша давлатлар неча юз йиллар давомида эришгани ҳақида ўйлаб кўрмаяпти. Мен бундай ёшларимизга миллий тарихимиз ва кадриятларимизни, ўз ижтимоий муҳитимизни чуқур ўрганишни маслаҳат берган бўлардим.

Бугун ҳаёт янгича фикрлаш ва ишлаш, миллий “ақл марказлари” мизни шакллантиришни талаб этмоқда. Лекин, афсуски, дунёдаги, ён-атрофимизда кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларни чуқур тушуниб, таъсирчан ва оммабоп шаклда етказиб берадиган таҳлилчи ва экспертларимиз жуда кам.

Бугун дунёда инсоннинг онги ва қалбини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормоқда. Шу йўлда ҳаракат қилаётган кучлар ўз мақсадига эришиш учун тарғиботнинг барча усулларида кенг фойдаланмоқда. Шундай бир вазиятда жамиятимизни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш боразидаги илмий-амалий тадқиқотларни, таҳлилий ва тарғибот материалларини тайёрлаш усулини тубдан қайта кўриб

чиқишимиз зарур. Умуминсоний, миллий ва диний кадриятларимизга беписандлик билан қараш ҳолатларига қарши курашишнинг методологик асосларини шакллантириш лозим.

Шу маънода, Маънавият ва маърифат маркази, “Тараққиёт стратегияси” маркази ва Ислом цивилизацияси марказлари, ижтимоий-гуманитар йўналишдаги тадқиқот институтлари ҳақиқий “ақл марказлари” га айланиши керак.

Албатта, миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, жамиятда адабиёт ва китобхонликни янада ривожлантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун маблағ ҳамда моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини яратиш лозим. Шу мақсадда “Ижод” жамоат фонди негизида Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этишни таклиф қиламан. Жамғармага 120 миллиард сўм ажратиш, ушбу маблағни маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини самарали амалга ошириш, миллий адабиётимизни ривожлантириш учун, жумладан, 90 миллиард сўмни ҳудудларда маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришга, 20 миллиард сўмни Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини қўллаб-қувватлашга, 10 миллиард сўмни республика миқёсида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этишга йўналтиришни кўзда тутиш, маблағларни тақсимлашда ҳудудлардаги аҳоли сони ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш лозим.

Афсуски, бугунги кунда миллий ғоямиз ва маънавиятимизнинг асосий тарғиботчилари бўлган “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт”, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи” каби журналларимиз обуначилар камлиги туфайли жуда кам нусхада нашр

этилмоқда. Агар ҳар бир мактаб, коллеж, техникум, олий ўқув юрти кутубхонасига биттадан журнал бепул етиб борса ҳам уларнинг тиражи камида 10 мингдан ортиқ бўлиши лозим.

Ўзингиз айтинг, шундай муҳим масалада зарур маблағни топиш шунчалик қийинми? Бу журналларни ўқимаган ёшларимизни қандай қилиб маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаймиз?

Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ушбу нашрларнинг ҳар бир ўқув даргоҳига етиб боришини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриши зарур.

Бу ҳақда гапирганда, яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман: тарғиботнинг илмий асосланган замонавий технологиялари ва янги шакллари, таҳдидларга қарши самарали кураш усуллари ишлаб чиқадиган вақт келди.

Такрор айтаман: илмга асосланмаган соҳанинг келажаги бўлмайди.

Шу маънода, маънавият ва маърифат йўналиши шу пайтгача илмий ихтисослик сифатида фанлар классификаторига киритилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Соҳадаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири ҳам шунда, яъни, илмий асосларнинг пухта ишланмаганида, десак, хато бўлмайди.

Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси 2021 йилдан бошлаб маънавият ва маърифат

соҳаси ихтисосликларини фанлар классификаторига кири-тиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўриши лозим.

Шу билан боғлиқ яна бир муҳим масала шундаки, агар гуманитар йўналишдаги олий таълим тизимида “Маънавият-шунослик” фанини ўқитиш, PR-менежер ва PR-тахсилчи мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўй-сак, бу йўналишда замонавий талабларга жавоб берадиган кадрларга эга бўламиз.

Сўзимнинг бошида айтиб ўтганимдек, бугунги кунда дунёнинг жуда кўп минтақаларида инсоний қадриятлар емирилмоқда. Айниқса, пандемия шароитида айрим ўл-каларда бетоқатлик, тажовузкорлик кайфиятлари кучайиб бормоқда. Мана шундай кескин вазиятда, улуг мутафак-кирлар айтганидек, **дунёни эзгулик, меҳр-шафқат, инсо-нийлик қутқаради.**

Яқинда биз кино санъати вакиллари билан учрашиб, долзарб вазифалар ҳақида гаплашиб олдик. Хабарингиз бор, йиллар давомидаги эътиборсизлик туфайли хароб ҳол-га тушиб қолган “Ўзбекфильм” биноси қайта таъмирланди. Бу йил “Киночилар уйи”, “Киночилар гузари” ва соҳа хо-димлари учун 2 та кўпқаватли уй қуриш бошланади. Кино соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади.

Ҳаммангизга маълумки, карантин даврида барча ма-даний-кўнгилочар тадбирларни тўхтатиб туришга маж-бур бўлдик. Албатта, бу одамлар руҳиятига салбий таъ-сир этганини инкор этиб бўлмайди. Мана шундай ша-

роитда халқнинг кўнглини кўтариш – санъат аҳлининг муқаддас бурчидир.

Ёши улуғ инсонлар яхши билади, илгари театрлар чекка қишлоқларгача гастролга чиқиб, томоша кўрсатарди. Бу учрашувлар ҳақиқий байрамга айланиб кетарди. Ўша анъаналарни давом эттириш зарурлигига, халқимиз ўртасида бунга эҳтиёж катта эканига жойларда аҳоли вакиллари билан мулоқот пайтида кўп марта ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Маданият вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргалиқда театр жамоаларининг ҳудудларга гастроль сафарларини ташкил этиш бўйича йиллик режа ишлаб чиқиши керак.

Жойларда аҳолининг маданий ҳордиқ чиқариши, концерт ва театр томошаларини ташкил этиш учун ҳокимлар ҳам масъул эканини улар сезишлари лозим.

Ёшларнинг санъатга бўлган қизиқишини ошириш учун барча олий ўқув юртлари бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан талабаларни театр, кинотеатр ва музейларга олиб бориш тизимини йўлга қўйиши даркор. Театрларнинг ижодий жамоалари ҳам ўз репертуарини ёшларнинг қизиқишига мос, юқори савиядаги асарлар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Театр санъатининг ўғил-қизларимиз тарбиясидаги ролини ошириш мақсадида мактаб ва олийгоҳларда ҳаваскорлик театр тўғарақларини йўлга қўйсақ, мақсадга мувофиқ бўлади.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Маънавий тарғиботни тўғри йўлга қўйишда оммавий ахборот воситаларининг қандай катта таъсир кучига эга эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз. Аммо, афсуски, бу кучдан ҳамма вақт ҳам самарали фойдалана олмаёпмиз.

Мана, ўзингиз кўриб турибсиз, биз жамиятимизда демократия, очиқлик, ошкоралик, эркинлик муҳитини яратяпмиз ва бу йўлни қатъий давом эттирамиз, сўз ва ижод эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш масаласи бундан буён ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлади. Фақат ахборот майдонида фаолият кўрсатаётган журналист ва блогерлардан илтимосимиз шуки, бу борада қабул қилинган қонун талаблари ҳаммага бирдек баробар эканини эсдан чиқармаслик зарур.

Унутмаслик керакки, оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда ҳолис ахборотларнинг ўз вақтида бериб борилиши айрим кимсалар тарқатаётган ёлғон маълумотларнинг олдини олади. Бунинг учун вазирлик ва идораларда ташкил этилган ахборот хизматлари фаолиятини янада кучайтириш лозим.

Шу ўринда яна бир фикрни Сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Бизнинг қанчадан-қанча ватанпарвар олимларимиз, ижодкорларимиз бор. Республика Маънавият ва маърифат маркази уларнинг бошини қовуштириб, фаолиятини мувофиқлаштирадиган тузилма бўлиши керак.

Хурматли зиёлиларимиз мамлакатимизнинг бугунги нафаси, туб ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини холис ва таъсирчан тарзда халқимизга етказишда янада фаол ва ташаббускор бўладилар, деб ишонаман.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Ахборот технологиялари вазирлиги билан биргаликда Интернет тармоғида “Ma’naviyat.uz” электрон порталини ташкил этиб, унда маънавий-маърифий ва тарбиявий мавзулардаги материалларни жойлаштириб борса, ҳар жихатдан фойдали бўлади.

Эътибор қаратиш керак бўлган яна бир муҳим масала борки, у ҳам бўлса, айрим телеканалларимизда намойиш этилаётган кўрсатувлар, кўнгилочар дастур ва сериалларнинг маънавий-ахлоқий савияси одамларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётгани билан боғлиқ. Бундай телемахсулотлар ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш ўрнига тарбиясини бузиш, оилавий қадриятларимиз ва ахлоқий қарашларимизни издан чиқаришга сабаб бўлмоқда.

Бу – аччиқ ҳақиқат.

Шу ўринда “Телеканаллар қошидаги бадий кенгашлар қаерга қараяпти?”, “Улар қайси мезонлар асосида иш кўряпти?” деган ҳақли саволлар туғилади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Маънавият ва маърифат маркази биргаликда барча телеканаллар қошидаги бадий кенгашлар фаолиятини танқидий таҳлил қилиб, уларнинг низомини қайта кўриб чиқиши ва фаолиятини тубдан такомиллаштириш чораларини кўриши зарур.

Сўзимнинг ниҳоясида яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: агар кимки маънавийат масаласи – бу фақат Маънавийат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши, деб ўйласа, катта хато қилади. Буларнинг ҳаммаси давлатимиз ва жамиятимизнинг, барча раҳбарларимиз, бизнинг ишонган тоғимиз бўлган илғор зиёлиларимиз, барча-барчамизнинг энг асосий ва муҳим вазифамиздир.

Бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушуниб, ўз фаолиятимизни шу асосда олиб борсак, мен ишонаман, маънавий-маърифий соҳада ўз олдимизга қўйган вазифаларни албатта муваффақиятли адо этамиз. Ва бу натижалар бошқа соҳалардаги ютуқларимиз учун ҳам, мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун ҳам мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Тошкент

2021 йил 19 январь.

ИНСОНПАРВАРИК, ЭЗГУЛИК ВА БУНЁДКОРЛИК – МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗНИНГ ПЎЙДЕВОРИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Шавкат Мирзиёевнинг маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташиқлотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси

“TASVIR” НАШРИЁТ УЙИ

Нашриёт лицензияси АИ №292, 23.02.2017.

Босишга 2021 йил 28 январда рухсат этилди.

Бичими 60×90 1/16. Cormorant гарнитурасида,

Офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 2,25.

Адади 10 000 нусха.

Буюртма № 277.



COLORPACK

время ярких решений

